



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И Ш.М. Ганиевни Фарғона вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Шухрат Мадаминович Ганиев Фарғона вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 14 декабрь.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**ШУ ЙИЛ 14 ДЕКАБРЬ КУНИ ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШ-
ҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроҳ Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг якуни бўйича вилоятда ялли худудий маҳсулот 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ хўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоизни ташкил этиши, пудрат ишларида эса 12 фоиз ўсишга эришиш кутилаётганини қайд этиш лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятда ялли худудий маҳсулот ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,7 баробар ошди.

Президентимиз ўз нутқида вилоятда амалга оширилаётган улкан ишларни

қайд этиш билан бирга олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроҳ Каримов тавсиясига кўра, Фарғона вилояти ҳоқими вазифасини бажариб келаётган Шухрат Ганиев Фарғона вилояти ҳоқими этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси Энаҳон Сиддиқова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси Акрамжон Йўлбарсов, Фарғона давлат университети талабаси Гўзалхон Эргашева сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувори йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, истиқболдаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан тўғри ху-

лоса чиқариб, ислохотлар самарасини янада юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

Президентимиз Исроҳ Каримов шу кун Фарғона шаҳри марказий қисмининг реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида Фарғонанинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим, деди Исроҳ Каримов. Шу билан бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, хўжалиқдорлаштириш ишларини тизимли ташкил қилиш шаҳарда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳақида доимий эътибор марказида бўлиши даркор.

Давлатимиз раҳбари янги барпо этилаётган стадион ва санъат саройи қурилиши билан ҳам танишди, мазкур ишбулоқлар қурилишини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

**О.ТўРАҚУЛОВ,
М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**

ЎЗХДП фракцияси ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлиги



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.

УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ:

соҳани ривожлантиришда фаол иштирок этиш зарур

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА КЕЛГУСИ ЙИЛДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРГА ТЎХТАЛАР ЭКАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЖУМЛАДАН, ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР, ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, КОММУНАЛ ХИЗМАТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАШ ЛОЗИМЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИ.

ЎЗХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА КОММУНАЛ СОҲАСИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ, СОҲАДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАННИ ИНОБАТГА ОЛСАК, БУ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида ана шу масала атрофида муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида муҳим ислохотлар олиб борилаётганини таъкидлаб, тегишли қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш амалиёти, мазкур йўналишдаги муаммолар ва уларни ҳал этишда партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

→ 2

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Бугун биз — аёллар ҳар бир соҳада ўз иқтидорини ва салоҳиятини намоён қилишнинг шартин яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан хотин-қизларга яна бир ҳурмат кўрсатиб, Обод турмуш йилида уларга янада кенг имкониятлар яратиш ҳақидаги сўзларидан барча аёл-

лар қатори мен ҳам тўққизлаб кетдим.

Ҳақиқатан ҳам ҳаётимизни бундан обод ва фаровон қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ижтимоий фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис хотин-қизларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш борасида муҳим ишлар қилинаётир. Ўз навбатида,

бир аёллар бу гамхўрликка жавобан, аввало, оналик бурчимизни муносиб бажаришимиз, мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этишимиз лозим.

Шу кунларда вилоятимиз, айниқса, Урганч шаҳрида бўлаётган бунёдкорлик ишларидан қалбимизда мамнуният, гуру-ифтихор туйғулари жўш урмоқда. Бугунги Урганч қиёфаси, хусусан, Ал-Хоразмий кўчасида олиб борилаётган қурилиш ва ободончиликни кўриб, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларга, тинч кунларга шукрона айтаман.

Ал-Хоразмий кўчасида биринчи қаватини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эгаллайдиган

12 та кўп қаватли тураржой биноси, 10 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ишлари якунига етмоқда. Шунингдек, 75 ўринга мўлжалланган 3 та меҳмонхона қурилиши давом этапти. Буларнинг барчаси келажак авлодлар — фарзандларимиз, қолаверса, ҳар биримизнинг фаровон турмуш кечирishiимиз учун амалга оширилмоқда.

Ўзбек аёли учун фарзандларининг тинч ва обод юрдада ўсиб-улғайиши, яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак.

Обод турмуш йили муносабати билан ишлаб чиқарилаётган тегишли Давлат

Муносабат

дастурида аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улар ўз салоҳиятини кенг намоён қилишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиши юртимизда аёл зотида кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси бўлади.

Шундан келиб чиқиб, партияимизнинг «Фаол аёллар» қаноти аъзолари билан биргаликда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, салоҳиятини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштиришда уларнинг иштирокини кучайтириш масалаларида амалий ишларни кўпайтириш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Сайёра САМАНДАРОВА,
ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти Хоразм вилоят бўлими етакчиси.**

«ОБУНА — 2013»



Энг муҳим янгилıklar, ЎЗХДП ҳаёти, парламент фаолияти, янги қонунларга шарҳлар, ижтимоий-иқтисодий мавзулардаги таҳлилий мақолалар, таълим, тиббиёт, солиқ соҳасидаги ислохотлар натижалари, спорт, хусусан, футбол ҳақидаги тезкор ва батафсил маълумотларни фақат «Ўзбекистон овози»да ўқишингиз мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220

УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ:

соҳани ривожлантиришда фаол иштирок этиш зарур

Фахриддин РАЖАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Кишиларнинг яхши яшаши ва муносиб турмуш шароитига эга бўлишида коммунал соҳа ривожини муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мамлакатимизда мазкур соҳани давр талаблари даражасида ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида қатор қонунлар, ҳуқуқат қарорлари қабул қилинган. Шу асосда тегишли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси», «Уй-жой кодекси», «Шаҳарсозлик кодекси», шунингдек, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Электр энергияси тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Чикиндилар тўғрисида»ги қонунлар аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда мутасадди идора ва ташкилотлар масъулиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бироқ қонунларни ҳаётга татбиқ этишда ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, совуқ сув ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, замонавий ҳисоблағич ва назорат асбоблари билан таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида муайян камчиликлар мавжуд. Шунингдек, кўп қаватли уй-жойлар хусусийлаштирилганига қарамадан, уларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил қилинмаган ҳоллар учраб турибди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш, коммунал соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшиш муҳим ва масъулиятли вазифасидир.

Учун ШОЙИМҚУЛОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Жойларда коммунал хизматларни кўрсатишда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмаслиги

(Давоми. Боши 1-бетда.)



билан боғлиқ муаммолар кўпинча аҳолининг ҳуқуқий маданияти етишмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Айтилик, коммунал соҳада истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқини билмаган фуқаро мутасадди ташкилотлар ходимлари томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни назорат қила олмаслиги ёки турар-жой ҳолатини ўзгартириш таклифи бўлса, бунда нималарга аҳамият бериш, қайси ташкилотга мурожаат қилиш ҳақида тушулганга эга бўлмаслиги мумкин. Шу боис, уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни бартараф этишда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири:

— ЎзХДП Сайловолди дастурида уй-жой хўжалиги ва коммунал соҳа масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжаллан-

ган Ҳаракат дастурида бу бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан соҳани ривожлантириш бўйича тегишли доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига 20 га яқин масала киритилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлик гуруҳлари жорий йилда ҳам бу йўналишда назорат-таҳлил ишларини олиб бориб, 26 та масала сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Уларда сув қувурлари ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш, аҳолининг электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қишлоқларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳуқуқат қарорлари бажарилишининг аҳоли, аҳолига кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш ва кўп қаватли уй-жойларни мукамал таъмирлаш ишларининг бориши, ёш оилаларни уй-жойлар учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси кенг муҳо-

кама этилиб, хато ва камчиликларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, партияимиз маҳаллий кенгашлари қошида ташкил қилинган Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг ўтган даврида 7 мингдан ортиқ мурожаат тушган бўлса, шундан қарийб 20 физик айлан коммунал соҳага оиддир. Партия фаоллари ва депутатлар мурожаатларни ҳал этиш орқали уй-жой хўжалиги ва коммунал соҳага доир муаммолардан хабардор бўлиб, уларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқилишида фаол иштирок этмоқда.

Давра суҳбатига сўзга чиққанлар соҳада учраётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирди. Шу асосда келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, маҳаллий ҳокимият ва коммунал тармоқлар раҳбарлари билан жонли мулоқотлар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2012 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДАГИ ТЕГИШЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик, зирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда вазирилик, идора ва муассасаларнинг масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини ёритадиган журналистлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан мазкур кенгаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ва Мудофаа вазирилик фаолиятининг очик-ошкоралигини, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чакрилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклаштириш алоҳида белгиланган.

Мудофаа вазирилик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғулومов ва бошқалар кенгашининг мақсад ҳамда вазифалари, унинг ташкилий жиҳатлари хусусида батафсил ахборот берди.

Кенгаш ўз таркибиди 28 нафар аъзони бирлаштиргани қайд этилди. Улар орасида Ўзбекис-

тон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, маданият ҳамда санъат намояндлари, олимлар бор. Жамоатчилик кенгаши низомининг мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, беш йўналиш бўйича комиссиялар ташкил этилди.

Масалан, комиссиялардан бири мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид масалалар юзасидан Жамоатчилик кенгашидан билдирилган фикр-мулоҳазалар мониторингини олиб боради ва чуқур таҳлил қилади, бунинг асосида соҳани такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни тақдим этади. Яна бир комиссия соҳага тааллуқли айрим меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказди. Учинчи комиссия эса ҳарбий хизматчилар ва захирага бўшатирилган фуқароларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланади. Тўртинчи ва бешинчи комиссиялар маънавий-маърифий, ҳарбий-спорт тадбирларини ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуроли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини янада юксалтириш бора-бордаги ишларни амалга оширади.

Сардор ТОЖИЕВ,

ЎЗА мухбири.

Огоҳ бўлайлик!

ПИРОТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ ЎТИЛИШИГА ЧЕК ҚўЙИЛДИ

Маълумки, дунё бўйлаб кўнгилочар ва бошқа маиший мақсадларда ишлатиладиган пиротехника буюмларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг келтирилиши ҳамда кўпга кўнгилсизликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда.

2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун пиротехника буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилишида, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, хусусан, уларнинг саломатликлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Эндиликда мазкур қонунга мувофиқ пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилди. Бундан ташқари, пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг қулайлиги бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид 60 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Натижада 7 минг донага яқин пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқар-

маси ходимлари томонидан «Дову ота» чегара божхона постида фуқаро Б.Атажоновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Ушбу шахс «Wonderful-Night» номи 25 донга пиротехника воситаларини кўп сумкага яширган ҳолда олиб ўтишга уринган экан.

Андижон вилояти Кўргонтепа туманининг чегарадош ҳудудида «Изиб» юрган номаълум шахснинг божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан кўриб қолган, қўшни давлат ҳудуди томон жўфтаник рўстлаб қолиши бежиз эмас экан. Боиси, қонунбузар шахснинг қолдириб кетишига мажбур бўлган юклари ўрнатилган тартибда ва ҳолисла ишторида кўздан кечирилганда, у Хитойда ишлаб чиқарилган, жами оғирлиги 10 килограммни ташкил қилувчи «Фонтан» номи пиротехника воситаларини хуфёна тарзда олиб киришга ҳаракат қилгани аён бўлди.

Ҳозирда юқоридида ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Бироқ ҳар йили Янги йил арафасида пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига фойда кўришни ўйлайдиган «тадбиркор»лар кўпайиб қолди. Доимо оғоҳ бўлиш, бундайларга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,

«Туркестон-пресс»

Қарор ва ижро

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚИМИЗГА ХОС БАҒРИКЕНГЛИК ВА КЕЧИРИМЛИКЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАМ ЎЗИНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

2012 йилнинг 5 декабрида Президентимиз Ислам Каримов тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори бу таъминларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йилгиликда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон ички ишлар вазири-нинг ўринбосари А.Шодиёв, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ.Ҳалимов ва бошқалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар қонун устуворлигини таъминлаш, инсонпарварлик ва бағрикенглик таъминлашлари қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Амнистия акти билиб-билмай жиноят содир этиб, жазога тортилган, кейинчалик хатосини тушуниб етган кўпга бағишлар учун катта имкониятдир.

Йилгиликда Олий Мажлис Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, ижро-

сини таъминлаш бўйича амалга оширилган зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Ушбу амнистия актининг очик-ошкоралик таъминлаш асосида қўрилганлиги, бунда жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Шу мақсадда сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) минтақавий вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлари тузилган. Бу мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини қулайлиги билан амалга оширилаётган ишларнинг амалий тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирилик ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизими вакиллари, жазони ижро этиш муассасалари бошқалари ҳамда журналистлар иштирок этган йилгиликда ушбу жараёнда мутасадди ташкилотлар ўзaro ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,

ЎЗА мухбири.

Тадбир

ИНСОНПАРВАРЛИК ҲОРАТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИБ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКISTОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗ СОҒЛИҚ-САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ МУАССАСАЛАР, ХАЛҚАРО ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раиси Ҳамид Каримов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳасида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофаза этиш, тиббий маданиятини юксалтириш, турли фавқулодда вазиятларда тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти томонидан фавқулодда вазиятларда аҳолига шовилчин тиббий ёрдам кўрсатиш, алоҳида эътиборга муҳтож кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соҳага оид халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада қулайлиги бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури» доирасида жамиятнинг икки юзга яқин меҳр-шафқат ҳамшираси муҳтож фуқаро ва

кексаларга уй-рўзгор ишларида мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Айни пайтда ижтимоий ҳимояга муҳтож кўлаб фуқароларга кўмак кўрсатилаётди. Шунингдек, турли манзилли хайрия тадбирлари орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларига, жумладан, фавқулодда ҳолатларда оқибатида жараҳатланганларга моддий ёрдам берилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти томонидан амалга оширилаётган бу каби хайри-ли ишларни ёритиш мазкур жамият фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда эса журналистларнинг тугган ўрни бежиз эмас. Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва Халқаро Қизил хоч кўмитаси минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида танлов ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги газета ва журналлар, радио ва телевидениеда фаолият юритадиган кўлаб журналистлар ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ирода УМАРОВА,

ЎЗА мухбири.

Спорт

ҲИНДИСТОНДА КУРАШ БАЙРАМИ

ЯҚИНДА КОЧИ (ҲИНДИСТОН)ДА КУРАШ БЎЙИЧА ЭР-КАКЛАР ВА АЁЛЛАР ҲЎРТАСИДА VIII ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЎТТИЗГА ЯҚИН ДАВЛАТИДАН ИККИ ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН ГИЛАМГА ЧИҚДИ.



Беллашуларда эркалар етти (60, 66, 73, 81, 90, 100 ва +100 кг), аёллар эса 48, 52, 57, 63, 70 ва 78 кг вазн тоифаларида ғолиблик учун кураш олиб борди. Мусобақанинг дастлабки кунда тўрттадан вазн тоифасида кучлилар номга ойдинлик киритилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аёлларнинг иштироки муваффақиятли бўлди. Жумладан, эркалар ўртасидаги баҳсларда Аббор Жабборов (60 кг) ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, финалда йўлланма олди. Хал қилувчи беллашувада ҳамюртимиз Вьетнамлик Хо Нган Гианг устидан соф ғалаба қозониб, терма жамоамизга илк олтин медални туҳфа этди.

Яна бир вақилимиз Аббос Турсунов (66 кг) ҳам юқоридаги жамоадошининг натижасини такрор-

лашга жуда яқин турганди. Аммо финалда у афғонистонлик курашчига очколар ҳисобида имкони ятти бой бериб, кумуш медал билан қифояланди.

Мусобақанинг 73 кг вазн тоифасида курашчиларимизга ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олиш насиб этмади. Мазкур вазн тоифасида ҳиндистонлик Бхану шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, +100 кг вазн тоифасида ҳам мезбонларлар ҳам нихоятда шиддатли ва муросасиз бошланди. Жумладан, 48 ва 52 кг вазн тоифаларида Хитой-Тайпейи вакиллари Осий чемпионлигини кўлга киритгани, кураш қиёмизда тобора тараққий этиб бораётганлигини кўрсатиб

берди. Айнан ушбу вазн тоифаларида Туркменистон, Ҳиндистон, Вьетнам спортчилари мамлакатимиз курашчиларини доғда қолдириб, совриндорлар қаторига қўшилганлиги ҳам бунинг яна бир тасдиғидир. Аёллар ўртасида терма жамоамизга дастлабки олтин медални моҳир курашчимиз Гўзал Раҳмонова (57 кг) келтирди. У финалда туркменистонлик Айна Жумақулиевани енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Санамой Эркинбоева ҳам ўз (78 кг) вазн тоифасида барча учрашуларни муваффақиятли ўтказиб, Осий чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Осий чемпионатининг иккинчи кун беллашуларида полвонларимиздан Турдубой Сейтмуратов (81 кг) олтин, Азамат Бойқулов (90 кг) кумуш медал билан тақдирланди. 100 кг вазн тоифасидаги курашчилар беллашуларида эса қозғистонлик Собиржон Абилдайули Осий чемпионлигини кўлга киритди.

Аёллар беллашуларининг навбатдаги кунда яна икки вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Унда Хитой-Тайпейи курашчилари Хуан Ших Хан (63 кг) ҳамда Лин Ю Санг (70 кг)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари тўртта олтин, иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Реклама

«Трастбанк»

хусусий очиқ акциядорлик биржа банки жамоаси

барча юрдаошларимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклайди.

Одод турмуш йилида барча халқюртларимиз эзгу мақсадларига етишига тиланганимиз!

МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ УЧУН

қўшимча янги замонавий бино фойдаланишга топширилди

БУ ЕРДА ЖАМИ 1 МИЛЛИОН 700 МИНГДАН ОРТИҚ САҚЛОВ БИРЛИГИДАГИ ҲУЖАТЛАР САҚЛАНАДИ. УЛАР ЮРТИМИЗ ТАРИХИГА ОИД ҚИММАТЛИ ҲУЖАТЛАР БЎЛИБ, АЛОҲИДА АҲАМИЯТЛИЛАРИ ЭСА ВАҚФ ҲУЖАТЛАРИДИР. ЭНГ ҚАДИМИЙ ВАҚФНОМА IX АСРГА ТЕГИШЛИ.

Марказий давлат архиви республика миқёсидаги архившунослик, ҳужжатшунослик, археография каби бир қатор фанлар

соҳасида илмий-услубий марказ ҳисобланади. Мажлислар ва тадқиқотчилар ўқув зали, босма нашрлар ҳужжатхонаси учун ҳам

алоҳида хоналар ажратилган. Унда 28450 номдаги китоб, 77 номдаги газета ва 55 номдаги журналлар жойлаштирилган.

Янги қўшимча бино 200 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатларни сақлаш сифатига эга. Унга мустақиллик даври ҳужжатларини жойлаштириш режалаштирилган.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲАМДА ВИЛОЯТЛАР МАРКАЗЛАРИДА ИНСОН КЎЗИНИ ҚАМАШТИРАДИГАН, ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙНГА ЭГА ШАХСИЙ УЙЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА МАЪМУРИЙ, САНОАТ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНО ВА ИНШОТЛАРИ ҚАД КЎТАРМОҚДА.

Афсуски, қурилиш объектларида ёнғин ҳодисалари содир бўлаётган ҳолатлар оз эмас. Масалан, 2010 йилда қурилиш майдонларида 4 та, 2011 йилда 14 та ёнғин қайд этилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 13 маротаба ёнғин ҳодисаси рўй берган. Уларнинг 6 таси фуқаролар томонидан қуриляётган шахсий уй-жойларда, 4 таси янги ва реконструкция қилинаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида, 2 таси янги қуриляётган кўп қаватли турар жойларда ва 1 таси реконструкция ишлари олиб бориляётган тўқимачилик мажмуасида содир бўлган.

Таҳлиллар ёнғинлар асосан қуриляётган масканлар бирлам-

чи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланмаганлиги, ишчи-хизматчиларнинг эътиборсизлиги сабабли содир бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриломоқда. Хусусан, қурилиш ишлари олиб бориляётган объектларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши бўйича ишчи-хизматчилар билан йўриқномалар ўтказилди. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинлар асосан эътиборсизлик ва лоқайдлик сабабли содир бўлмоқда. Демак, ҳар биримиз хушёр бўлсак, ёнғин хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

Каримжон ТАЛИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЁХББ муҳандиси, катта лейтенант.

ОБ-ҲАВО	15-16 – 12. 2012
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-15 / -20	-8 / -13
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-18 / -23	-8 / 13
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
-5 / -10	-1 / -6
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
-1 / -6	+2 / +3
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
-5 / 10	0 / -5
Тошкент шаҳри	
-8 / -10	-3 / -5
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	-3 / -2
Париж	0 / -3
Москва	-2 / -7
Мадрид	-1 / -1
Пекин	-7 / -7
Канберра	+8 / +10
Рим	+4 / +1
Афина	+6 / +7
Токио	+2 / +4
Стокгольм	-4 / -6
Кейптаун	+15 / +15
Қоҳира	+10 / +11
Гавана	+22 / +22
Вашингтон	+2 / +1

Qishloq Qurilish Bank



Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

«Қишлоқ қурилиш банк»

очиқ акциядорлик тижорат банкининг

халқаро рейтинг даражасини қайта тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи

«ПОЗИТИВ»

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39.
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



О'ЗБЕКISTОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бosh муharrir: Сафар ОСТОНОВ

ТАНҲИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246
9458
nuxsada bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5